



2017 йил «19» январ

№ 47-Б

**Ер участкаси ажратиш ва  
қурилишга рухсат бериш  
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 20-моддаси, Ер кодекси»нинг 6,26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида 2016 йил 12 декабрдаги «Қишлоққурилишлойiha» МЧЖ билан келишилган №1569/7-сонли келишув хатини, Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2017 йил 6 январдаги 01-сонли экологик экспертиза хулосасини, Нуробод тумани Қиличли маҳалла фуқоролар йиғини ҳудудида жойлашган «Шуробод саноати» ХК раҳбари Туйчиев Садриддин томонидан Нуробод тумани Қиличли маҳалла фуқоролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган 809 контурда жойлашган 3 гектар яйлов ер майдонига Хом ғишт ва шлака блок ишлаб чиқариш цехи қуриш учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисида қарор чиқариб беришни сўраб ёзган аризаси ҳамда туман ҳокимининг 2011 йил 18 августдаги №81-Ф-сонли фармойишига асосан тузилган ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2017 йил 12 январдаги далолатномасини кўриб чиқиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Нуробод тумани Қиличли маҳалла фуқоролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган 809 контурда жойлашган 3 гектар яйлов ер майдонига Хом ғишт ва шлака блок ишлаб чиқариш цехи қуриш учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисида ишчи комиссиясининг 2017 йил 12 январдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. «Шуробод саноати» ХК раҳбари Туйчиев Садриддинга қуйидаги вазифалар юклатилсин:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли қарорида кўрсатилган муддат ва талаби асосида АРТ (архитектура режалаштириш топшириғи) ҳамда лойиха ҳужжатларини тайёрлаш.

-вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекциясидан қурилишни амалга оширишга рухсат олиб, қурилиш ишларини бир йил муддат ичида тугатиш:

-қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик ишларини олиб бориш:

-тасдиқланган қурилиш лойихаси асосида қурилишни амалга ошириш:

-қурилиш ишлари тугаши билан бинони фойдаланишга рухсат бериш учун туман ҳокимлигига мурожаат қилиш:

3. Туман бош архитектори (Ж.Абдуллаев)га Туйчиев Садриддин томонидан тасдиқланган қурилишни лойиха асосида қуриш ишларини амалга оширилишини назорат қилиш топширилсин.

4. Ер участкасини натурага кўчириш ишларини “Ўз ГАШКЛИТИ” ДУК нинг вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ж.Абдуллаев) ва туман “Ер ресурслари ва давлат кадастри” бўлими (Ф.Эргашев)лар зиммасига юклатилсин.

5. Туйчиев Садриддин томонидан уч йил муддат ичида тасдиқланган қурилиш лойихаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу қарор ўз кучини йўқотди деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Джураев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими в.б



Б.Эргашов